
Бағдодда II Устозлар миллий форуми ўтказилди

Янги – 2023-2024 ўқув йили бошланиши олдидан Бағдод туманида II Устозлар миллий форуми ўтказилди. “Ижодкорлар уйи” тантаналар саройида ташкилланган мазкур тадбирда туман ҳоқими Юсуфжон Хусаинов иштирок этди.

Таълим муассасалари директорлари, фаол ўқитувчилар ҳамда соҳа фахрийлари таклиф этилган форумда таъкидланганидек, давр шу қадар шитоб билан ўтяптики, ислоҳотларнинг барча босқичи илм-фан, техника асосида жадаллик билан ривожланишни тақозо қилмоқда. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишларида таълим муассасаларида ўқув жараёнини замонавийлаштириш, халқаро талаблар даражасига кўтариш вазифасини қўймоқда.

Бинобарин, ўтган ўқув йилида ўнлаб педагогнинг илғор тажрибаси вилоят ва туман миқёсида оммалаштирилди. Табиийки, бу жараён мактаблар ҳаётига ўзига хос жўшқинлик берди. Кўплаб дарслар очик тарзда ўтказилди. Ўқитувчилар дарс самарадорлигини оширишда бир-бирига кўмаклашди.

Форумда, ўтган ўқув мавсуми сарҳисоб қилинар экан, ютуқ ва муваффақиятлар эътироф этилиши билан бирга, йўл қўйилган камчиликларга ҳам тўхталиб ўтилди. Шунингдек, янги ўқув йили олдидан амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Иккинчи марта ўтаётган Устозлар миллий форуми доирасида Миллий рейтинг натижалари бўйича юқори ўринда турган мактаблар ўқувчилари, фидойи ва фаол устозлар тақдирланди.

Бағдод тумани ҳоқимлиги Ахборот хизмати.

2023-08-24 17:49:22